



2013 у.р. “29” ноябрь

№ 1322-К Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Облоқулов Мухиддинга “Навруз-агротехсервис” агрофирмаси худудидан омборхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 13 сентябрдаги 117-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 910-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Облоқулов Мухиддиннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 13 сентябрдаги 117-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Облоқулов Мухиддинга омборхона қуриш учун тумандаги “Қулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ “Навруз-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 42-контуридан жами 0,07 га (шундан: 0,07 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев